ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША: ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА 2-бет

ҚОНУН ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ 3-бет



МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ 4-5-бет



ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ ТАҚДИМОТИ 7-бет

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 133 (9.936) / 2003 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ












## БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ!



**Бир-бирини қувиб ўтаётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир кунимиз фахрланишга арзигулик ўзгаришлар, янгиланишларга бойлиги билан ҳаётимиздан чуқур ўрин олмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили барча соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётганини кўриб, ҳис этиб турибмиз. Албатта, кундалик турмушимиздан ўрин олаётган бу оламшумул ишлар, янгиланишлар Мустақиллик шарофатидан эканлиги барчамизга кундек аён. Бугун Энг улуғ, энг азиз байрамимиз эшик қоқиб турган, унга тайёргарлик бошланган айни дамларда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслаймиз: «Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачигидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак».**

Шу ўринда истиқлол бизга қайтарган неъматларимизни яна бир бор санаб ўтгимиз келди. Мустақиллик туфайли қадимдан камол топган давлатчилигимиз тикланди, мустақил давлат сифатида шаклланиб, буюк келажак сари қадам ташладик. Конституция, давлат мадҳияси, миллий армиямизга эгамиз. Улар замонавий шакл ва мазмуни билан бутун жаҳонга танилди. Қадимги маданий меросимиз тикланди. Қадриятларимиз келажакка хизмат кўрсата бошлади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури дунёда таълимнинг ўзбек модели сифатида танилди.

Шубҳасиз, Истиқлол ҳар бир жамоа олдига юксак мақсадларни қўяди. Жумладан, бизнинг режаларимиз ҳам ранг-баранг. Ундан мамлакатимизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлига бағишланган туркум материалларни чоп этиш ўрин олган. «Истиқлол сизнинг тақдирингизда» сўровномаси орқали ҳамшаҳарларимизнинг ўтган 12 йил мобайнида ўз меҳнат жамоаларида, маҳаллаларида рўй берган ўзгаришлар, хайрли янгиланишлар ҳақида берган жавоблари билан танишасиз. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб газета жанрлари (очерк, публицистика, корреспонденция, репортаж, мусоҳаба) ва энг яхши суратлар учун

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Байрам тантаналари арафасида якунланадиган ушбу танловга фаол муаллифлар ва ноширлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос, тиббиёт, фан ва техника соҳасидаги олиму мунаққидлар ҳамда муштарийлар йўллаган асарлар қабул қилинади.

Танлов ғолибларини тақдирлаш учун қуйидаги мукофотлар белгиланди:

*** 1-ўрин учун — 100 минг сўм.**
*** 2-ўрин учун иккита — 50 минг сўм.**
*** 3-ўрин учун учта — 30 минг сўм.**

**Шунингдек, ҳар бири 15 минг сўмдан иборат тўртта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилган.**

Танловга йўлланадиган машинкаланган ёки компьютердан чиқарилган ишлар, материалларнинг ҳажми 2 оралиқда 4 варақдан кўп бўлмаслиги, шунингдек суратларнинг катталиги камида 10х15 сантиметр ҳажмида бўлиши керак.

Танлов материаллари қуйидаги манзилга: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига, «Танловга» деган белги билан **25 августга қадар** жўнатилиши керак.

Танловга юборилган ишлар таҳлил этилмайди ва қайтарилмайди.

**Азиз дўстлар, сизларни танловда қатнашишга таклиф этамиз, сара мақолаларингизни кутамиз ва сизларга омад ёр бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.**

## Қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бирлашган ҳайъатининг мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлаш ҳамда анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишларининг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

Анъанага кўра, асосий тантаналар республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида ўтказилади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг кўплаб профессионал ҳамда ҳаваскорлар жамоалари иштирок этади. Шуни таъкидлаш кераки, республикамизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос анъанага, урф-одатларига эга. Миллий санъатимизнинг ўзига хос маданияти орқали халқимизнинг бебаҳо қадрияти намойиш этилади.

Таъкидландики, халқимизнинг энг буюк, энг азиз байрами билан боғлиқ тантаналар аввалгиларига қараганда янада кўтаринки руҳда ўтиши керак. Ушбу тантаналар бетакрор бўлиши, улкан қуришлар, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг яратувчанлик меҳнатини бадиий жиҳатдан акс эттириши лозим.

Байрам туфайли санъатимизнинг янги қирралари аниқланиб, ёш иқтидорлар кашф этилади. Тантаналар моҳияти ва аҳамиятига мувофиқ янги қўшиқ ва қуйлар, жўшқин рақслар, турли томошалар яратилади. Мажлисда байрам саҳналари иштирокчиларининг репертуарини танлаш ва тайёрлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Шунингдек, бирлашган ҳайъат мажлисида Самарқандда «Шарқ тароналари» фестивали ҳамда Нукус шаҳрининг 70 йиллигини ўтказиш билан боғлиқ жиҳатлар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Нидерландия Қироллиги ташқи ишлар вазири Яап де Хуп Схефферни қабул қилди.**

**● Жиззахда республика Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқот институти ҳамда мамлакатимиздаги инсон ҳуқуқлари миллий маркази Германиянинг Конрад Аденауэр фонди билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланган халқаро анжуман ўтказди.**

**● Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини бажарган Қарши тумани ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 32 минг 940 тонна дан зиёд дон топширишди.**

**● Болалар спортини ривожлантириш учун «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Зарафшон шаҳри, бир қанча шаҳарчалардаги спорт иншоотларини реконструкция қилиш мақсадида 242 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди.**

**● «Экосан» халқаро хайрия жамғармасида Обод маҳалла йилига бағишлаб ўтказилган йиғилишда «Экосан» — маҳаллада» мақсади дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси, Оролбўйи минтақаси маҳаллалари аҳолисига беғараз ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.**

### Жаҳонда

**● Россия ва Франция ҳамкорликда терроризмга қарши кураш бўйича марказ ташкил этишди.**

**● Германия божхоначилари адашган ҳолда ичида 10 килограмм миқдорда кокаин гиёванд моддаси бўлган автомобилни кимошди савдосига қўйдилар.**

**● Сингапурда бир неча кундан буён дунё аҳлининг эътиборида бўлган ноёб операция амалга оширилди. Эронлик Ладан ва Лалек исмли Сиам эгизакларини ажратиш бўйича 53 соат давом этган операция муваффақиятсиз якунланди. Уларнинг ҳар иккови кўп қон йўқотиш натижасида ҳаётдан кўз юмди.**

**● Буюк Британия, Америка ва австралиялик олимлар айнан Юпитерга ўхшаш янги сайёрани кашф этдилар. У Қуёш тизимини эслатувчи юлдузлар орбитасида бўлиб, Қуёшдан 95 ёруғлик йили масофада жойлашган.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❑ **ЭРТАГА** Ҳамза тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан тумандаги маҳаллалар оқсоқолларининг малакасини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Чорвоқ» оромгоҳида икки кунлик семинар ўз ишини бошлайди.

❑ **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан спортнинг сузиш тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди.

❑ **ҲАМЗА** туманидаги қурилиш, компьютер ҳамда авиасозлик касб-ҳунар коллежларида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

❑ **30-МЕҲРИБОНЛИК** уйи тарбияланувчилари дам олаётган Бўстонлиқ туманидаги «Нур» дала ҳовлисида Ҳамза туман ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ташаббуси билан концерт дастури уюштирилди.

❑ **КЕЧА** Акмал Икромов туман хотин-қизлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёш келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда бир оилаининг тиббий патронажи масалалари муҳокама этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

«Тошкент оқшоми» Ҳуқуқий маслаҳатхонаси

# Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

**(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)**

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**117. Аниқ мақсадли қарз шартномаси деганда нима тушунилади?**

Агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда фойдаланиши шарти билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имконниятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз олувчи қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланмаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизлар тўлашни талаб қилишга ҳақли ***(Фуқаролик кодексининг 739-моддаси).***

**118. Давлат заёми шартномаси ҳам қарз шартномалари жумласига кирадими? Унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?**

Давлат заёми шартномаси ҳам қарз шартномаси бўлиб, бу шартнома бўйича давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс эса қарз берувчи бўлади. Давлат заёми ихтиёрийдир. Бундай шартнома давлат облигациялари ёки бошқа давлат қимматли қоғозларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли билан тузилади.

**119. Қарз шартномасининг тегишли шаклда тузилмаслиги оқибатлари қандай?**

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик, ***Фуқаролик кодексининг 109-моддасида*** белгиланган қоидага мувофиқ, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Шуни назарда тутиш лозимки, қарз шартномасининг ёзма шаклда бўлмаслиги қарз суммасини ундириш тўғрисидаги даъвонинг суд томонидан рад этилишига асос бўлиши мумкин. Гувоҳларнинг қарз шартномаси содир бўлганлиги тўғрисидаги кўрсатмалари далил бўлолмайди.

**120. Қарз чет эл валютасида ҳам берилиши мумкинми? Чет эл валютасида берилган қарз миллий валютада ундириладими ёки чет эл валютасидами?**

Кейинги вақтларда амалиётда фуқаролар ўртасида чет эл валютасида, хусусан АҚШ долларида қарз олиш ва қарз бериш ҳоллари учрамоқда. Бу ҳолат ҳам қарз муносабати ҳисобланади.

Чет эл валютасида берилган қарз унинг миллий валюта – ўзбек сўмига нисбатан давлат курси қийматида ундирилади.

**121. Қонунда қарз суммасини қайтаришнинг қандай мажбуриятлари назарда тутилган?**

Қарз олувчи қарз берувчига қарзни шартномада кўрсатилган муддатда ва тартибда қайтариши шарт. Агар қарзни қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз берувчи қарзни қайтариш тўғрисида талаб қўйган кундан эътиборан ўттиз кун мобайнида қарз қайтарилиши лозим.

Қарзни белгиланган муддатдан илгари қайтарса ҳам бўлади.

**122. Қарз олувчининг қарзни муддатида қайтармаслиги қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкин?**

Қарз олувчи қарз шартномасида белгиланган муддатда қарзни қайтармаган тақдирда, қарз берувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз суммасини фоизлар билан ундириши мумкин. Фоизлар миқдори, ***Фуқаролик кодекси 327-моддасига*** кўра, жавобгар яшайдиган жойда пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади.

Қарз суд тартибида ундириладиган бўлса, фоиз миқдорини суд даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизи ҳисоб ставкасига қараб белгилаши мумкин.

**123. Қарз муносабатларидан келиб чиқадиган низолар қандай тартибда ҳал этилади?**

Ҳар қандай фуқаровий муносабатлар каби қарз муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ҳам ***Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига*** биноан, фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиши керак.

**124. Чет эл валютасида берилган қарзни ундириш учун ҳам фуқаролар судга мурожаат этиши керакми?**

Чет эл валютаси билан боғлиқ қарз муносабатлари оқибатида келиб чиққан низолар бўйича ҳам фуқаролар судга мурожаат этишга ҳақли.

**125. Қарзни ундиришнинг муайян муддатлари борми?**

***Фуқаролик кодексининг 150-моддасида*** белгиланганидек, қарзни ундиришнинг умумий даъво муддати уч йил. Даъво муддати қарзни қайтариш мажбурияти вужудга келган вақтдан бошланади.

(Давоми бор)

# Азалий ва абадий алоқалар

**Ўзбек ва поляк халқлари ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга**

XIX асрнинг иккинчи ярмида содир этилган воқеалар, хусусан, 1863-1864 йилларда-ги ишчи, деҳқон ва ҳунармандларнинг чор самодержавиесига қарши миллий озодлик қўзғолони Марказий Осиё ҳудудига сургун этилган кўплаб поляклар ҳаётида янги санани бошлади. Уларнинг бундан кейинги тақдири ўзбек халқининг сахий замини — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарлари билан боғланди. Айнан шу шаҳарларда XIX аср ниҳоясида биринчи поляк жамоалари шаклланди. Кўп ўтмай 1895 йилда Тошкентда поляклар мактаби ва кутубхонаси очилди, 1897 йилда поляклар жамоатчилик маданият марказининг ташкил топди, бироз вақтдан сўнг эса поляклар костели ўз фаолиятини бошлади.

Полякларнинг минтақамизга келгуси кўчишларига икки жаҳон уруши ва оммавий қатағонлар сабаб бўлди.

Ўтган йиллар давомида поляк ва ўзбек халқлари вакиллари ёнма-ён тинч, тотув ва иноқ яшашди, қайғули ва қувончли кунларни биргаликда бошдан кечиришди, аламли ва оғир дамларда бир-бирларига елкадош бўлишди.

— Ўзбекистон миллий истиқлолни қўлга киритгандан сўнг поляклар диаспораси вакиллари учун янги давр бошланди, — дейди «Светлица Польска» Республика поляклар маданият маркази раиси И. Тагиева.

1992 йилда республика жамоатчилик уюшмаси мақомини олган марказ ҳақиқатан ҳам ҳамфикр ва дўстлар масканига айланди. Агарда мамлакатимизнинг турли бурчакларида 3 мингга яқин поляклар яшаётганини эътиборга олсак, марказнинг нечоғлик зарурлигини англаш қийин эмас. Зеро, ушбу марказ уларга миллий анъана ва маданиятни қайта тиклаш ва ривожлантириш, икки мамлакатнинг миллий ва давлат байрамларини нишонлашга имконият яратади.

Ҳозир мамлакатимизда Поляклар диаспораси, шунингдек, «Ўзбекистон-Польша» амалий ва маданий ҳамкорлигига кўмаклашиш халқаро ассоциацияси ҳузуридаги «Полония» поляклар секцияси, «Светлица Польска» РПММнинг Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент шўъбалари фаолият юритиб келмоқда.

— Мазкур жамоатчилик ташкилотлари фаолиятига Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам сезиларли эътибор қаратмоқда, — деди И. Тагиева.

1992 йилнинг 19 мартида Ўзбекистон ва Польша ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган эди. Бу муносабатлар йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йилнинг январида Польшага ва Польша Республикаси Президенти Александр Квасневскийнинг 2002 йилнинг октябрида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифлари ва улар доирасида имзоланган давлатлараро алоқаларни мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар икки мамлакат муносабатларини янада юқори поғонага кўтарди. Ушбу ҳужжатлар кўп қиррали ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади.

Ҳозирда икки мамлакат парламентлари ва идоралари ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли кечаяпти. Маданият, илм-фан, таълим соғлиғини сақлаш, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам тобора ўсмоқда. Айни пайтда кўплаб ўхшаш йўналишларга эга Ўзбекистон ва Польшанинг савдо-иқтисодий салоҳиятлари ҳамда муносабатларнинг ҳуқуқий асоси икки томонлама алоқаларни фаоллаштиришга кўламини кенгайтиришга имконият яратади. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссияси фаолияти ҳам айнан шу масалани ҳал этишга қаратилган. Унинг муваффақиятли иши ўлароқ, мамлакатимизнинг қатор корхоналари Польшада ишлаб чиқарилган янги технология ва ускуналар билан жиҳозланган.

Шак-шубҳасиз, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Польшага бўлажак расмий ташрифи давомида икки томонлама ва кўп томонлама битимлар доирасидаги интеграциялашувни чуқурлаштиришга қаратилган муштарак саъй-ҳаракатлар янада жадаллашади.

**Бахтиёр ИРИСОВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси.**

# БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЗАРУР

**Республика Марказий банкида Банк тизимини ислоҳ қилишнинг “2003-2004 йилларга мўжалланган навбатдаги босқичи дастури” муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Марказий банк ва юртимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари раҳбар ходимлари иштирок этди.**

Республика Президентининг фармонига асосан ўтган йили банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида Республика банк кенгаши ташкил этилганди. Шу йилнинг 15 июнь куни мазкур кенгаш томонидан “Банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2003-2004 йилларга мўлжалланган навбатдаги босқичи “ дастури тасдиқланди. Семинарда икки йилга мўлжалланган мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад, унда белгиланган вазифалар хусусида сўз борди.

Дастурда мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини янада уйғунлаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, тижорат банкларида назорат функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш ҳамда бошқа муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳафтада бир марта ўтказиладиган мазкур семинардан асосий мақсад банк ходимларини замонавий банк иши юзасидан саводхонлигини ҳамда уларнинг касбмаҳорати ва малакасини доимий ошириб боришдан иборат.

Семинарда мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг халқаро андозалар даражасида иш юритишини таъминлаш масаласи юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мазкур семинарни республикамиздаги барча вилоят ва туманларида ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

**А.ҒАФФОРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада тиббий ижтимоий патронаж системасини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси юзасидан республика миқёсида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

# Кенг қамровли анжуман

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 20-оилавий поликлиникада ўтказилган ушбу семинарда туман ҳокимлиги, туман ижтимоий таъминот бўлими, туман Қизил Ярим ой жамияти, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси туман таянч пункти ходимлари иштирок этишди.

Семинарда оилада тиббий маданиятни ошириш, ўсиб келаётган авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий патранажи давомида аҳолининг кам таъминланган оилаларини, ногирон болалар ва аёлларни соғломлаштириш, маҳаллаларда биринчи ёрдам кўрсатиш ва уй ҳамширасини тайёрлаш курсларини ташкил қилиш тўғрисида гапириб ўтилди.

Шунингдек, семинар кенгашда «Соғлом авлод» учун жамғармаси авто амбуланс ёрдамида тиббий кўрикдан ўтган оилаларни рўйхатга олиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, оилавий ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, гиёвандлик, ичкиликбозликка қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## Иқтисодиёт

### ЯНГИ ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИ

**Сергели туманида фаолият юритаётган «Вест Ленд Дженерал» шўъба корхонаси тадбиркорлари хушбўй ва чанқовбосди чой турларини қадоқлаб истеъмолчилар талабини қондирмоқда.**

Корхона бундан 8 йил муқаддам Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида жойлашган «Вест Ленд Дженерал» корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Жамоанинг ўз олдига қўйган асосий мақсади юртимиз аҳолиси талабига жавоб берадиган чой навларини қадоқлаб етказиб беришдир.

— Чой навларини БАА орқали шартнома асосида Индонезия, Хитой, Ҳиндистон, Кения, Цейлон мамлакатларидан олиб келамиз, — дейди корхона директори ўринбосари Бобур Абдул Ҳаким. — Корхонамизда иккита чой қадоқлаш ускуналари ёрдамида «Араб» чой, «Маҳадма», «Эчиль», «Солько», «Фолкон», «Сулаймоний», «Вестон», «Вестин Спишлл» каби чой навлари ҳар ойда 92 минг килограммдан қадоқланиб харидорларимизга етказиб берилмоқда. Бундан ташқари корхонамиз 100 дан ортиқ доимий буюртмачиларига ҳам эгадир.

Жамоада ишчиларга яхши меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилган.

Корхона аҳли жорий йил якунигача қадоқлаш ускуналарини 4 тага ошириб, чой турларини кўпайтириш ниятида.

### ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

**«Улуғбек орзулари» масъулияти чекланган жамияти жамоаси аҳли ҳам ички бозоримизни бойитиш борасида тинмай изланмоқда.**

Жамоа аҳли жорий йилдан янги ишчи ўринларини яратиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юқори технологияда қайта ишлаб чиқармоқда.

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга эътибор қаратаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Илёс Қосимов. — маҳсулот сифати борасида тинмай изланяпмиз. Ниятимиз қайта ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизни четга экспорт қилишдир. Сифат юқори бўлса, бунга, албатта эришамиз.

**Шайдо ҲАЙДАРОВА**

### БУЮРТМА АСОСИДА

**Акмал Икромов туманида фаолият юритаётган «Махсус автокорхона» 30 йилдан ортикроқ вақтдан буён «Ўзтелерадио» компанияси ҳамда хўжалик ташкилотларига автоуловларда хизмат кўрсатиб келмоқда.**

Корхона тасарруфида 132 автотранспорт воситалари бўлиб, биринчи чоракда 430 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бир кунда 100 га яқин «Мерседес-Бенц», «Паз» русумларидаги автобуслар, «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари каби 17 турдаги автоуловлар буюртмачилар талабига кўра нафақат пойтахтда, балки республика бўйлаб йўлга чиқадилар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

**Ҳозирда мамлакатимизда истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган салмоқли ҳуқуқий база яратилди. Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонунлар, ўз навбатида харидорларни ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотни сотувчилар, ижрочи ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини назорат қилиб боради.**

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига 103 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Тушган аризаларнинг 94 таси ижобий ҳал этилиб, 9 та ариза ҳал этиш арафасида. Истеъмолчиларга умумий 2 миллион 82,3 минг сўм миқдорида зарар ундириб берилди.

— Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, шунингдек инсофсиз ишлаб чиқарувчиларнинг ўзбошимчаликларидан бирон марта бўлса-да, азият чекмаган одам топилмаса керак, — деди бошқарма бошлиғи ўринбосари Баҳодир Умаров. — Истеъмолчи авваламбор ўз ҳуқуқлари қонунлар, шунингдек товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш қоидалардан ташкил топган қонунчиликлар билан ҳимояланганлигини билиши лозим. Бошқармага давлат Алоқа инспекциясидан "Бўзтел" қўшма корхонасининг Сергели туманида истиқомат қилувчи бир гуруҳ абонентлар томонидан туманда уяли алоқа хизмати қониқарсиз ишлаётганлиги хусусида ариза келиб тушди. Қўшма корхона томонидан истеъмолчиларга кўрсатилмаган хизматлар учун 8 минг 730 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Шунингдек, "Олмазор Икки" уй-жой мулкдорлари ширкатидан ширкат хизмат доирасига кирувчи уйларда мунтазам равишда электр таъминотида узилишлар бўлаётганлиги хусусида ариза келиб тушди. Бу муаммо ҳам ўз вақтида бартараф этилди. Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 505-уй, 90-хонадонда яшовчи З. Тешабоевадан лифт ишламаётганлиги бўйича шикоят келиб тушди. Бошқарма аралашуви натижасида камчилик бартараф этилиб, уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан истеъмолчиларга кўрсатилмаган хизматлар учун 140 минг 94 сўм миқдорида маблағ қайтариб берилди ва лифт ишлай бошлади.

**И.ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

**Мамлакатимизда халқимизнинг турфа хил нон ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш режалари асосида замонавий нон тайёрлаш технологияси билан жиҳозланган кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар қуриш ва уларни ишга тушириш кенг кўламда олиб борилмоқда.**





1996 йилда пойтахт аҳолисини етарли миқдордаги нон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш бурилиш йили бўлди. Шаҳардаги тарқоқ нон ва қандолат цехларининг ягона марказдан бошқарилиш имконини берувчи, назорат сифатини оширишга хизмат этувчи «Тошкентнон» уюшмаси ташкил бўлди. Бу уюшманинг ишга тушиши 2 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган шаҳримизда янги замонавий корхоналар қурилишига бошчилик қилинишига сабаб бўлди. Кўплаб ўрта ҳажмли қувватдаги нон корхоналари бунёд этила бошлади. Ҳозирги пайтда «Тошкентнон» тизимида 60 дан ортиқ замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Улар қолипланган нон ишлаб чиқарувчи «ФТЛ» печлари, ширин булочкалар тайёрловчи немис «Винклер» шкаф-мосламалари, печенье, қандолатлар чиқарувчи хорижий технология жиҳозлари билан ишламоқда. Бу корхоналарда 1 кеча-кундуз давомида 200 турдаги сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

Таъсисчилари «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси, «Тошкентнон» уюшмаси ва Шароф Рашидов номли жамғарма ҳисобланган ана шундай жамоалардан бири 2001 йилнинг июль ойида ишга тушиб, унга «Нон-азиз» деб ном берилди. Бугунги кунда жамоа аҳли ана шу номни оқлаш ниятида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Дастлабки вақтда корхона 4-4,5 ярим тонна яқин маҳсулот чиқара бошлади. Унинг бир кеча-кундузда лойиҳа бўйича қуввати 10-11 тоннага тенг эди. Корхона жамоаси маҳсулотни реклама қилиш, маҳсулот сотиладиган доимий «бозор»ни топиш, истеъмолчиларни кенг жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни чиқариш, нон тайёрловчи ишчиларнинг касб малакасини оширишга катта эътибор қаратди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ишга тажрибали бир неча нон мутахассислари таклиф этилди. Шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи ташкилотларга ўзаро тузилган 40 та шартномалар асосида нон тайёрлаш мослашган 2 та автоуловда давлат стандарти талабларига жавоб берувчи нон етказиб берилаяпти.

«Нон-азиз» қошидаги «Иссиқ нон» фирма дўконининг иши тубдан яхшиланди. У эрта соат 6 дан кеч соат 21 гача ишламоқда. Дўконда «Тошкентнон» тизимидаги макарон, қандолат корхоналарида тайёрланган сифатли макарон, печенье, вафли, новвот, парварда ва кўп турдаги бошқа маҳсулотлар савдоси ташкил этилди. Нон маҳсулоти туманидаги ҳарбий қисмга ҳам етказиб берилади. Бу даргоҳда нон тайёрлашда экологик тоза ун, хамиртуруш, ўсимлик мойи, йодланган туз каби хом ашёлар ишлатилади. Юқори сифатли, шу ерда қазилган ичимлик артезиан қудуғи сувидан фойдаланилади. Электр қуввати билан таъминловчи трансформатор тармоғининг узлуксиз ишлашига ҳам эришилди.

Нон маскани раҳбарияти ва жамоасининг ҳозирги бозор муносабатлари ислоҳотлар жараёнида ўз ўрнини топиш борасидаги изланишлари, тадбирлари зое кетмади. Шу кунларда меҳнат аҳли 1 кеча-кундузда 9-10 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Ҳар бири 24 тоннадан заҳира уни сақлашга мослашган 2 та ун сақловчи бункер ҳам ташкил этилди.

Корхона цехларини айланиб, ишчиларнинг фаолияти билан танишсангиз унумли меҳнат қилаётган усталар А. Валиев, Г, Турсунбекова, хамирчилар О. Орипов, Ф. Қўшоқов, ҳайдовчи А. Шукуровлар сидқидил меҳнатларига гувоҳ бўласиз. Жамоа жорий йилнинг 6 ойида 11 миллион сўм миқдорида соф фойда олишга эришмоқда.

— Биз истеъмолчилар, аҳоли учун миллий қандолатлар: парварда, новвот, ҳолва ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдамиз, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Файзулла Тожимуҳамедов.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ўз жамоаси ишчи-хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам эътибор беради. Жорий йилнинг 6 ойи давомида кам таъминланган айрим кўп болали оилаларга 500 минг сўм миқдорида ёрдам берилди. Бу жамоа ўзи жойлашган «Дўстлик» маҳалласидаги бир неча ёрдамга муҳтож ёлғиз яшовчи қария ва оилага ҳам имкон қадар хайрия-эҳсон ёрдами кўрсатди.

Обод маҳалла йилида нонвойлар корхона ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини олиб бормоқда. Баҳорда 150 та мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилиб парвариш қилинмоқда. 500 туп ранг-баранг гуллар экилди. «Дўстлик» маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда корхона атрофидаги йўлкалар таъмирланиб тартибга келтирилди.

Интилганга толе ёр дейдилар. Биз ҳам улуғ неъмат яратувчилари «Нон-азиз»нинг бўлғуси ютуқларига тилакдошмиз.

**Малик НУРИДДИНОВ**

**СУРАТЛАРДА: корхонада нон тайёрлаш жараёни.**

**Элмира Зинабдиева олган суратлар.**

**Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «Ҳамкортекстил» хусусий фирмасида пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозоримизни бойитмоқда.**

# ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА

Корхона ўз фаолиятини бошлаганига 7 йилдан ошди. Мана шу давр мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини топди. Чунки Россиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона цехларида хорижникидан асло қолишмайдиган маҳсулотларни тайёрлашга эътибор берилмоқда. Жамоада сочиқ ва салфеткалар, эркаклар ва аёллар ҳаммом халатлари, шифокорлар учун оқ халатлар, махсус ишчи кийимлари ва шунга ўхшаш 10 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

— Васила Давидова, Фотима Қорабоева, Гулчеҳра Утапова, Нодира Турсунова каби тўқувчи қизлар жамоамиз фахри, — дейди корхона раҳбари Нурзод Шокиров. — Маҳсулотимиз йиллик режа асосида пойтахтимиздаги универмаг ва супермаркетларда шартнома орқали сотилади. Шунингдек, маҳсулотимизнинг асосий буюртмачилари 20 дан ортиқ санаторий, профилакторий, меҳмонхона ҳамда шифохоналардир.

Жамоамиз ишлаб чиқараётган рақобатбардош маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, матога босилган безакларимиз ўзига хос. Энг муҳими, харидорлар диди ва эҳтиёжига мос арзон ва сифатлидир. Жамоа тадбиркорлари келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, маҳсулот турларини янада кўпайтириш мақсадида Жанубий Корея, Италия, Хитой мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишмоқчи.

Келажакда ушбу давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳларда тайёрланган маҳсулотларни эса хорижга ҳам чиқариш кўзда тутилмоқда.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Инсон ақл, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадоридир.

● Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир!» деган. Ақл раъйининг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввало у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ва зарарни ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунган тажрибакор маслаҳатини олиш тавсия этилади.

● Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлайвермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида ҳар бир инсон учун ғолибият ва саодат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.

**Байт:**

**Ҳар кимки чучук сўз элга**
**изҳор айлар,**
**Ҳар нечаки ағёр дурур**
**ёр айлар,**
**Сўз қаттиғи эл кўнглига**
**озор айлар,**
**Юмшоғи кўнгилларни**
**гирифтор айлар.**

● Олимлардан Н. Ҳаддод айтади:

— Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишдир. Бу фазилат илминг, зийраклигинг каби ақлий қувватинг ва жисмоний қувватинг, жамиятда тутган ўрнинг, обрўйинг, хулласи, ҳамма сифат ва фазилатларингни кўзгу каби кўрсатиб туради.

Ғурур ва такаббурлик ўз даражангни билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутакаббир кишининг феъл-атворини таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутакаббир киши тоқатидан ортиқ юришдан ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси билиб англаган, йўл юргани учун ўйлаб мақсадига эришади. Иккинчиси юрган йўлини билмай, кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли мақсадига, орзусига етмайди.

Шунинг учун, ўғлим, зинҳор мағрур ва мутакаббир бўлма, саъй-ҳаракатларинг шамолга учмасин, ҳар вақт сўзларингни ўйлаб сўзла, бир ишга киришмасдан олдин ўйлаб кўр, у ишни бажара оласанми йўқми. Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғрингда нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур. Бошқалар сенинг тўғрингда қандай фикрда эканликларини ўрган, шуни ўрганиб, ўз ҳақингдаги ҳар хил фикрларнинг ўртасини ол, сен — ўшасан. Сенинг ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зинҳор аччиқланма, чунки танқид фойда келтиради. Танқид соясида хатоларингни тузатасан, бундан кейин қилинадиган ишингда хатога йўл қўймаслик учун ғайрат қиласан, ўз даражангни билиб ишлайсан.

**Байт:**

**Мардларнинг ишларини**
**андиша қил,**
**То тириксан яхши ишни**
**пеша қил.**

# БУ АЖИБ ДУНЁ ЭКАН

Туркумдан



**Мақсудахон Ҳамроева 1955 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1979 йили Андижон тиббиёт институтини битириб, Қашқадарё вилоятининг кардиология диспансерида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Ҳозирда у шаҳримиздаги 17-клиник шифохонада бўлим мудири. Мақсудахон шеъриятга қизиқади, бўш вақтларида шеър машқ қилади.**

### ШОИР СИРИ

Дардини қоғозга тўкади шоир
Аламин ҳам қоғоздан олади.
Ҳасратин ичига ютади шоир,
Қоғозу қаламла танҳо қолади.
Шоир кўп тинглайди, камроқ сўзлайди,
Юрак сирларини сезмайди биров.
Шоир учун қоғозу қалам бўзлайди
Сирларин қоғозга сочади
дарров.

### ТУШУНДИМ

Бу дунёнинг бешиги
торлигини тушундим.
Унда яхши-ёмоннинг
борлигини тушундим.
Туғиларкан бир куни, ўлар
экан кун битиб,
Кўп нарсани тушундим,
ёшим элликка етиб.
Ажиб дунё одамлар,
билиб-билмас сири кўп,
Англаб бўлмас сирларнинг
борлигини тушундим.

### БАХТЛИМАНМИ?

«Ҳаёт» жоннинг бешиги
тебранади тинмайин
50 ёшга кирибман, ғам
нелигин билмайин.
Машина, амал, шуҳрат —
«Етказганга минг раҳмат!»
Ота-онам бошимда, фарзандларим
қошимда
Ғамни билмай ҳеч бири юрибдилар
саломат.
50 ёшни қоралаб, бироз ўйлаб қолдим мен
«Юрак»— деган сандиққа
аста қулоқ солдим мен.
Очиб кўрдим мен ўша, «юрак»
деган сандиқни
Тополмадим мен ундан, севги
деган бойликни.
Шундай қилдим хулоса,
«Севги керакдир албат».
Ҳар бир ожиз бандага
керакдир соф муҳаббат.
Ҳаётим бут, юрак бўш,
дилимда тўла армон
Бахтлиманми ёки йўқ?
тушунолмай мен ҳайрон.

### БИЗНИ САРСОН АЙЛАМАНГ

Ташна бўлиб соғиниб —
йўлингизни пойлайман.
Кўз ўнгимда суратингиз,
дилгинамга жойлайман.
Парво қилмай ўтишингиз
юрагимни тирнайди.
Васлингизга етолмайин
ҳижрон мени қийнайди.
Севги йўқ бу кўчаларда, бизни
сарсон айламанг.
Сизни севган ёрни ташлаб,
севмаганни сийламанг.
Ёр-ёр айтиб тўйимизда
дўсти—ёрлар ўйнасин.
Хом хаёлни мен хаёлан,
фикрингизга жойлайман.

### МЕН ҲАМ СЕНИ СЕВАМАН

Хуш қоматли йигитча
имлама мани-мани
Умид қилма ҳеч қачон
севмайман сани-сани.
Менга бироз ёқади
қора-қора кўзларинг
Менга айтар ширин-ширин
сўзларинг қани-қани.
Узоқ-узоқ ерлардан
сўраб-сўраб келибсан
Хатлар ёзиб гулларга
ўраб-ўраб берибсан.
Хатни ўқиб дугонам ҳайрон —
ҳайрон боқади.
Дугонам дер: шу йигит
жуда-жуда ёқади.
Чаман-чаман гулзорда
кутма-кутма бормайман,
Севса-севсин дугонам сени
ҳеч рашк қилмайман.
Айтақол тезроқ йигит, менда нима
гапинг бор.
Ҳаммага бирдек ёққан, чиройлик
қоматинг бор.
Йигит юрган йўлингдан секин-секин
юраман
Гар чақирсанг ёнингга учиб-учиб бораман.
Айтмасанг ҳам севишинг ўзим-ўзим
сезаман.
Ёлғон-ёлғон сўзладим мен ҳам сени
севаман.
Ёлғиз сени севаман.

Мақсудахон ҲАМРОЕВА

• ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ

**Бугунги кунда аср вабосига айланган гиёвандлик кўпчиликни ўйлантираётган муаммолардандир. Ёшларнинг айниқса билиб-билмай бу йўлга кириб қолаётгани ва бунинг оқибатида турли жиноятлар содир этаётганлиги сир эмас.**

# «ОСМОННИНГ БАҒРИ КЕНГ»



Яқинда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида худди мана шу мавзуга бағишлаб саҳналаштирилган драматург Салоҳиддин Сирожиддинов қаламига мансуб «Осмоннинг бағри кенг» деб номланган янги спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Спектаклда айни бугунги кунда ҳаётимизда учраб турадиган воқеа-ҳодисалар, билиб-билмай нопок йўлларга кириб адашган, гиёвандлик кўчасига кириб қолган айрим ёшларнинг тақдири, шунингдек жиноятчилар тўдасининг қилмишлари рўй-рост очиб берилган. Ҳақиқатан эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, ниҳоят эзгуликнинг тантана қилиши асарнинг яна ҳам ҳаётийлигини, мазмунини чинакам ҳаққоний образлар орқали очиб берган. Шунинг учун ҳам спектаклдаги воқеалар томошабинни ҳаяжонга солиб, чуқур мулоҳаза ва мушоҳадага чорлайди.

Спектаклни саҳналаштирган режиссёр умидли актёрларимиздан Боир Холмирзаев бўлиб, асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Ф. Аҳмедов, С. Пўлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д. Сафоева, Т. Бекназаров, артистлар Д. Узоқов, М. Отажонова ва бошқалар катта маҳорат билан тўлақонли ижро этишган. Саҳна рассоми Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ш.Абдумаликов, мусиқаларни эса ёш, умидли бастакор Ойдин Абдуллаева басталаган. Ҳозирги турмушимизда учраб турадиган бундай салбий ҳолатларнинг саҳнага олиб чиқилганини драматург ва режиссёрнинг ютуғи десак хато қилмаймиз. Бу ҳақда спектакль сўнггида томошабинлар ва санъатшуносларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

**◆ Ҳамиджон ИКРОМОВ,**
**Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти профессори:**

— Албатта бугунги саҳна асарида фалсафаси улуғ бир ғоя — меҳр-оқибат, одамларнинг бир-бирига бўлган эътибори, ёшлар тарбияси масаласи асос қилиб олинган. Ичкиликка, гиёвандликка ружу қўйган айрим кимсаларнинг тақдирлари, уларнинг таг-замири қаерда эканлиги томошабинни ҳам чуқур ўйлашга ундайди. Спектаклдаги она образи, ёш йигит Жамшид ва бошқа қатор ёрдамчи роллар орқали мусиқали драма асари юзага келган. Ҳар бир актёрнинг чиқиши режиссёрлик ечимида юзага келганлиги билан томошабинни ўзига жалб қилади. Актёр, режиссёр, рассом, бастакорнинг ишлари бир ягона ансамбль бўлиб намоён бўлган. Спектаклда насиҳатбозлик йўқ. Асар диққат-марказида аввало инсоннинг бири-бирига меҳр-оқибати туради. Мана шу томони билан ўйлайманки, спектакль қимматли.

**◆ Боир ХОЛМИРЗАЕВ,**
**саҳналаштирувчи режиссёр:**

— Ушбу «Осмоннинг бағри кенг» номли спектаклни биз Обод маҳалла йили ҳамда Халқаро гиёвандликка қарши кураш куни муносабати билан саҳналаштирдик. Асарда меҳр-оқибат, ёшлар тарбияси масалалари асосий мавзу ҳисобланади. Мақсад ушбу спектакль орқали бугунги кунда билмасдан гиёвандликка ўрганган, айниқса дўст кўриниб, ёшларнинг ичига кириб, унга кўмак бермоқчи бўлиб юриб игнага ўргатиб кафангадо қилаётган кимсаларнинг таг замири қаерда эканини томошабин билан мушоҳада қилишдир. Менимча спектакль ёшларимизнинг тарбиясига асқотадиган томоша бўлади деб ўйлайман.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТДА: «Осмоннинг бағри кенг» спектакль премьерасидан лавҳа.**
**Сергей Любчич олган сурат.**

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

## Олимпиада ғолиблари

**Хорижий тиллар бўйича республика фан олимпиадасини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу сафарги билимлар синовида 20 нафардан ортиқ истеъдодли талаба олимпиада совриндорлари бўлишди.**

Тошкент Давлат шарқшунослик, юридик институтлари, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари бу йил билимлар беллашувида илк бор қатнашиб, ғолиблар қаторидан ўрин олишди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидан бир йўла икки иқтидорли талаба олимпиада совриндорлигини қўлга киритди. Инглиз тили бўйича беллашувда Юлия Васильева, француз тили бўйича беллашувда Барҳаёт Мирпўлатов биринчи ўрин билан тақдирланди.

Бу ғолиб талабага Францияга саёҳат қилиш учун олимпиада ҳомийлари томонидан махсус йўлланма ажратилди.

**Феруза БАҲРОМОВА**

## Спорт

### Мусобақалар якунланди

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида баскетбол бўйича давом этаётган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун курашган 12 жамоа орасидан «МҲСК» жамоасига биринчи, «Бухоро»га иккинчи ҳамда Тошкент Давлат техника университети баскетболчиларига учинчи ўринлар насиб этди. Турнир якунида чемпионат совринлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланган жамоаларни олдинда янада жиддий синовлар кутмоқда. Эндиликда совриндор жамоалар орасида мамлакатимиз терма жамоасига номзод қилиб кўрсатилган баскетболчилар Ҳиндистон пойтахти Деҳлида ўтадиган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

### Маҳаллада кикбоксинг турнири

Ҳамза туманидаги "Тарновбоши" маҳалла гузари куни кеча байрам тусини олди. Ҳамза туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳамза туман бўлимлари ҳамда Республика кикбоксинг федерацияси, «Янгиобод» спорт клуби ҳамкорликларида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда маҳаллалардан ташриф буюрган ёшлар ғолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Ёш йигитчаларда жасурлик, чаққонлик, эпчиллик хислатлари шаклланишига хизмат қилувчи кикбоксинг мусобақаси якунида мутасаддилар таъсис этган совғалар ғолибларга туҳфа этилди.

### Ёруғ юз билан

Нафис спорт тури — бадиий гимнастиканинг юртимиз ёшлари орасида оммавийлашиб бораётганлигини Туркиянинг Измир шаҳрида уюштирилган халқаро турнир янада яққол исботлади. Чунки ушбу мусобақаларда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Рита Алимова, Раъно Муҳамедова ҳамда Альбина Бабиналарнинг нафис, чиройли ва гўзал ҳаракатлари спорт мухлисларию мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ БИЛДИРАДИ

Жанубий вокзалдан Уйғур кўчасигача бўлган ҳудудда Кичик автомобиль ҳалқа йўлининг қурилиши муносабати билан қурилиш ишларини амалга ошириш пайтида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида автомобиль ҳаракати қуйидаги йўналишларда вақтинчалик тўхтатилади:

— Уйғур кўчаси бўйлаб Самарқанд Дарвоза кўчасидан Зиё Саид кўчасигача қадар,

— Улуғбек кўчаси бўйлаб Уйғур кўчасидан Фарҳод кўчасига қадар (босқичма-босқич),

— Фарҳод кўчаси бўйлаб С.Юсупов кўчасидан Саломатин кўчасига қадар (босқичма босқич).

## • ТАБАССУМ

Альберт Эйнштейннинг хотинидан: «Нисбийлик назариясини тушунасизми?», — деб сўрашибди.

У жавоб берибди:

— Йўқ, тушунмайман. Лекин мен учун энг муҳими Эйнштейннинг ўзини тушунишдир.

* * *

Машҳур тиббий олим Боткиндан бемор сўрабди:

— Айтингчи озиш учун қандай машқлар фойдали?

— Бошингизни ўнгга ва чапга буриш, — деб жавоб берибди олим.

— Қачон?

— Қачонки сизни меҳмон қилишаётганда.

* * *

Бир куни Ревон вакили шоир Фонтенелдан шеърий асарни қандай баҳолаш кераклигини сўради.

— Жаноби олийлари, — жавоб берди адиб, — уларнинг ҳаммаси ёмон деб бемалол айтаверинг, чунки юзтасидан бор-йўғи бир-икки ҳолдагина хато қилишингиз мумкин.

* * *

Машҳур бастакор Рахманинов суратга тушишни ёқтирмас экан. Ресторанда ўтирганида суратқаш унга объективни тўғрилайди. Раҳманинов унга қичқиради:

— Тинч қўйинг мени!

У қўли билан юзини тўсишга улгуради. Оқшомги газетада унинг сурати шундай тагсўз билан чиқади: «Миллион турадиган қўллар».

* * *

Меҳмонхонадан чиқаркан, Чарли Чаплин ресторан оғаси чўнтагига чой пули деб 20 франк солиб қўйди. Эшик оға хафа бўлиб артистга деди:

— Ўтган сафар менга 40 франк бериб, соғлиғим учун ичсангиз деган эдингиз...

— Бугун мен ўзимни анча яхши ҳис этяпман, — деб жавоб берди артист.



Сўзсиз сурат.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

## • АЖОЙИБОТЛАР

### ҲИДСИЗ САРИМСОҚ

Японияда харидорларга ажойиб маҳсулот — саримсоқ «доктор сайки»нинг ихтиросини таклиф қилишмоқда. Бу саримсоқ кўриниши ва мазасидан оддий саримсоқдан фарқ қилмайди, бироқ унинг ҳиди йўқ.

Уни ўстириш технологиясини «Санко» ва «Мицуи» компаниялари ишлаб чиқдилар. Саримсоқни тайёрлаш жараёни жуда жўн бўлиб, унинг бўлаклари 2-3 кун махсус кислотали қоришмага солиб қўйилади, сўнгра қуритилади. Ана шу даврда оғизда нохуш ҳид қолдирадиган энзималар қирилиб кетади, лекин саримсоқнинг мазаси ва сифати аввалгидай сақланиб қолади.

### СУПЕР САБЗИ

Америкалик олимлар «суперсабзи» навини яратдилар. Унинг таркибидаги каротин моддаси оддий сабзиникига қараганда ўн баравар кўплиги аниқланди.

Каротин эса киши организмида «А» витаминига айланади. Бу модданинг етишмаслиги киши организмида ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда шу туфайли миллионлаб болалар кўзларининг яхши кўрмаслигидан қийналмоқдалар. Яратилган суперсабзига «Пета III» номи берилди.

### «ЯПРОҚ» ТЎСИҚ

Сўнгги даврда шаҳардан ташқаридаги йўлларда автомобилларнинг ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашуви кўплаб содир бўлиб турибди. Хайриятки эндиликда бундай ҳалокатларнинг олдини олиш йўллари излаб топилмоқда. Бунинг учун ўзидан ўткир ҳид таратувчи «япроқлар» керак бўлади холос. «Япроқ пластмассадан тайёрланган бўлиб, у йўл четидаги дарахт шохларига боғлаб қўйилади. Ундан таралган махсус ҳид эса ёввойи ҳайвонларни катта йўлга йўлатмайди, чунки улар бу ҳиддан ҳуркийдилар. Ана шундай синов Мюнхенда ўтказилди ва самарали натижа берди.

**Дилобар ИСМОИЛОВА тайёрлади.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!
## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси савдо ташкилотчиси «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 11 июлидан 26 сентябрига қадар ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11.00 да кимошди савдоларини ўтказади.

### Кимошди савдоларига

Қуйидаги АЁКШ қуриш учун ер майдонига ижара ҳуқуқи, банкрот деб эълон килинган корхоналарнинг мол-мулклари ҳамда «UZPROMMASHIMPEKS» ДАКга ва «ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» Давлат уюшмасига қарашли автотранспорт воситалари қўйилган

**I. Автотранспорт воситалари**

| № | Автотранспорт воситаси русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | DAEWOO Супер салон | 1995 й | 6 250 000 |
| 2 | ДАМАС | 1997 й | 2 000 000 |
| 3 | НЕКСИЯ | 1998 й | 3 100 000 |

**II. Ер майдони, бино, иншоот ва асбоб-ускуналар**

| № | Объект номи | Манзили | Объект бўйича маълумот | Бошланғич нархи (сўм) | Аукцион ўтказиладиган кун |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Автомобилларга ёнилғи қуйиш мажмуаларини (АЁКШ, автоювиш ва бошқалар) қуришга мўлжалланган ер майдонига узоқ муддатли ижара ҳуқуқи | Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси | майдони 0,3 га | 120 000 000 | 11 июлдан 26 сентябргача |
| 2. | «Кундуз» ОАЖнинг бино, асбоб-ускуна ва бошқа мол-мулклари | Шайхонтоҳур тумани, Шомаҳмудов кўчаси, 128-уй | Чорва моллари терисини қайта ишлашга мўлжалланган | 425 517 300 | 11 июлдан 26 сентябргача |
| 3. | «Ал-Камрон» ОАЖнинг бино, асбоб-ускуна, Тошкент денгизидаги моторли қайиқлар станцияси, ижтимоий инфратузилма объектлари ва бошқа мол-мулклар | А.Икромов тумани, Истироҳат (Октябрь) мавзеси, саноат ҳудуди | Автомобилларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган | 188 176 100 | 11 июлдан 26 сентябргача |

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Моварounнаҳр кўчаси, 16а-уй. Ариза ва бошланғич нархидан 5% миқдорида гаров пуллари юқоридаги манзилда жойлашган «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2003 йил 10 июлдан бошлаб қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефон: 133-23-40**





Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига еки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-547. Топширилди 12.20 1 2 3 4 5 6